# ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

№ 8 (65835)
7 март, СЕШАНБА
Сотувда эркин нархда.





## АЁЛ БИЛАН ОЛАМ МУНАВВАР

Азиз болалар! Кечагина бутун мусулмон олами дини Исломнинг муборак айёмларидан бири Рамазон ҳайитини кенг нишонлади. Шу куни катталар қатори сиз ҳам азизу мукаррам ота-оналарни, қариндош-уруғларни, беморлик дардини чекаётган ҳаста дилларни, марҳумлар хонадонларини зиёрат қилдингиз. Мустақиллигимиз туфайли она юртимизга қайтган байрам билан бир-бирингизни табрикладингиз.

Эртага эса онажонлар байрами. Ер юзи халқлари мўътабар аёлларимиз-мунис онахонлару меҳрибон опаларимизни, жажжи сингилчаларимизни чин юракдан муборакбод этадилар. Халқаро хотин-қизлар куни баҳор мавсумини бошлаб берадиган байрамлардан бири.

Узининг шарқона одобу ибоси билан дунёни лол қолдирган меҳнаткаш, меҳр-шафқатли, фарзандсевар ўзбек аёлларининг фазилатлари ҳақида қанча гапирсак ҳам оз. Чунки, улар ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида эркаклар билан бир сафда туриб, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида астойдил фидойилик кўрсатмоқдалар. Ўзбек олималарию санъаткор қизларининг шуҳрати етиб бормаган мамлакат бўлмаса керак. Юртбошимизнинг яқинда чиқарган фармони эса, аёллар нуфузини, обрў-эътиборини янада оширишга хизмат қилади.

Онажонларимизнинг катта байрами арафасида биз уларга фарзандлик меҳримиз жўш уриб, бахтимизга доимо омон бўлинг, сиз борсизки, олам мунаввар дегимиз келади.

*Наримон ОРИФЖОНОВ*

## ҚИБЛАГОҲСИЗ

*Мадҳингиз куйлай*
*юракдан*
*Қиблагоҳсиз — онасиз.*
*Сиз бу жаҳон айвонида*
*Жаннати инсонасиз.*
*Аллалаб олам ятраган*
*Ҳамда унга посибон,*
*Ҳар ўғил-қиз бахтин*
*ўйлаб*
*Меҳр ўтида ёнасиз.*
*Қондошим опам*
*эрурсиз*
*Ва қариндош, синглимиз,*
*Қалб тўрининг*
*соҳибаси*
*Жонажон жононасиз.*
*Таърифингиз*
*сўйламоққа*
*Кам эрур сўз гавҳари,*
*Сиз муҳаббат*
*денгизининг*
*Дурисиз — дурдонасиз.*
*Токи офтоб шуъла*
*сочмиш*
*Ҳур ҳаёт гулбоғига,*
*Нури янглиғ ер юзида*
*Бир умр парвонасиз.*



*Устоз! Қандай таъриф берайин сенга,*
*Тавсифинг келтирмаган қандай сўз қолди?*
*Юксакроқ парвозлар тиладинг менга,*
*Сабоғинг зеҳнимдан мангу жой олди.*

Ҳа, дарҳақиқат, устозларни қанчалик эъзозласак, алқасак, шунчалар оз. Маҳсуда опа Бадалова ҳам ана шундай табаррук зотлардан бири бўладилар. Жуда кўп йиллардан буён Тошкендаги Ғафур Ғулом номли мактабда ўқувчиларга таълим-тарбия бериб келадилар. Мактабда ишлари жуда кўп, мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари ҳамдирлар.

— Менинг 1400 дан зиёд фарзандларим бор, — дейди Маҳсуда опа мамнуният билан кулиб. — Чунки ўқувчиларимнинг ҳар бири мен учун худди ўз фарзандларимдек азиз ва ардоқли бўлиб қолган. Вақти келса яхши гапираман, ўз вақтида қаттиққўллик ҳам қиламан. Ахир қай бир устоз шогирдини ёмон бўлсин дейди. Қойисак ҳам, яхши бўлишсин деймиз-да...

Бугунги айём онажонларимиз байрами. Миннатдор шогирдлар оналари қатори устозларини ҳам байрам билан самимий қутламоқдалар.

Р. АЛЬБЕКОВ туширган сурат.

# ЖАННАТ ОНАЛАР



Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия.

## ҲАВАСИМ КЕЛАРДИ

Раҳима Шомансур қизи! Менинг катта устозларимдан бири. Сизни ўйлаганимда ўша етмишинчи йилларда «Саодат»да ишлаб юрган даврларингиз кўз олдимга келади. Қоп-қора сочларингизни орқага силлиқ тараб, йиғиб олардингиз. Пардозсиз чеҳрангиз нурли, унда матонат, мардлик, шиддаткорлик билан бирга аёллар, оналарга хос маъсумлик, меҳр яширин эди. Бировга овозингизни баландлатиб гапирмасдингизу, ҳатто фисқу фужурли, киноявли гапларга ҳам ўзингизнинг ҳар қандай гард-ғубордан холи, дангал сўзларингиз билан жавоб бериб қўя қолардингиз.

Кийинишингиз оддий, ҳашамсиз, лекин ўзингизга ниҳоятда ярашарди.

Менинг эса сизга жуда-жуда ўхшагим келарди. Нега дейсизми?

Аввало ҳар қандай шаддод, кўзга яқин аёлларнинг ортидан тарқатиладиган майда иғволардан сиз холи эдингиз. Сўнг энг муҳими, устозингиз, таниқли шоира Зулфия опанинг сизга бўлган оналарча меҳрлари эди. Ахир сиз ҳам ўз журналистик қобилиятингиз, устозингизга бўлган ҳурмат, меҳр-оқибатингиз билан эътиборларини тортган эдингиз-да. Сизга ҳавасим, сизга ўхшагим келарди. Вужудимни тушкунлик, ғам-ғусса қамраб олган пайтда сизни ишхона йўлагида учратиб қолардим. Чеҳрангиздаги ҳаётга муҳаббат, турмушга шукроналик аломатлари руҳимни кўтарарди.

Ана, онажонимнинг мутолаа хонаси, иш столида сизнинг «Кўзларимга суртгим келади», «Ибрат», «Қайноналар», «Узилмас кўнгил», «Сизга боқиб», «Аёл қалби», «Сен оловли юраксан» китобларингиз. Уларнинг кўпи фарзанд тарбияси, оналарнинг орзу-истаклари ҳақида.

Сизга ҳавасим келарди. Сиз устоз кўрган, устоз дуосини олган ва унга содиқ қолган шогирдсиз. Бунга мен «Устоз суратига чизгилар»ингизни ўқиб амин бўлдим.

Сизга ҳозир ҳам ҳавасим келади. Онаизорингиз айтганларидек, кетмондек оғир қаламни тутиб, муштипар аёл зоти зиммасидаги барча юмушларни аъло даражада адо этиб келаяпсиз. Ҳозирда эса Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси нашриёт ва оммавий ахборот воситалари бошқармаси бош муҳаррири сифатида Ватанга, халққа хизмат қилишни давом эттирмоқдасиз.

Мана, орадан 25 йил вақт ўтибди ҳамки, сиз билан юзма-юз учрашганим йўқ. Фақатгина қаламингиз орқали мулоқотда бўламан. Истагим ва ниятим «Тонг юлдузи» саҳифаларида ҳам сизнинг дастхатингиз билан ёзилган мақолаларни ўқиш.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизни ва оилангизни, жамоангиздаги барча хотин-қизларни 8 март Ҳалқаро байрами билан қутлайман. Илойим сиздек оналарнинг умри боқий бўлсин. Мабодо болалик қилиб содда ва самимий сўзларимда камчиликларга йўл қўйган бўлсам, мени, яъни болангизнинг гуноҳидан ўтгайсиз.

«Тонг юлдузи»нинг рамзий қаҳрамони ЮЛДУЗХОН.

## Бўлажак раққоса

Сиз суратда кўриб турган бу қизалоқ Наманган вилояти Поп тумани Ғурумсарой қишлоғидаги 16-ўрта мактабнинг 5-«А» синф ўқувчиси Раъно Эргашева. Мактабда ташкил этилган иқтидорлилар синфида ўқийди. У аъло баҳоларда ўқиш билан бирга санъатга ҳам жуда қизиқади.

Мусиқа эшитиб, рақс тушиш жони-дили.

Раъно ҳали ёш бўлишига қарамасдан доимо изланишда. Вилоят ва туман кўрик-танловларида қатнашиб туради. Ўзбек рақсининг юлдузлари Малика Аҳмедова, Маъмура Эргашева, Дилафруз Жаббороваларга ўхшагиси келади.

— Бўш вақтимда мусиқа эшитаман, рақс тушаман. Орзум — раққоса бўлиш, — дейди у.

Биз ҳам унга омад, ўқишларида муваффақият, келажак орзуларининг ушалишида эзгу ниятлар тилаб қоламиз.

Эл суйган раққоса бўл, жажжи қиз, Раъно!

Олимжон ТЎХТАНАЗАРОВ.



## Тумарис

Азиз укажонлар, сингилжонлар! Сиз ҳурлиги ўз қўлида бўлган Ўзбекистонимизнинг умидли дилбандлари, навниҳол гул — ғунчаларидирсиз. Гул гўзал очилиб муаттар ифор таратиши учун қуёш нури, сув, ҳаво нақадар зарур бўлганидек сиз ҳам бу улуғ, тиллога топилмас юртга, буюк халқимизга муносиб бўлишингиз учун тарихни чуқур билишингиз, айниқса, бу Ватан озодлиги, боқийлиги учун ҳеч нарсани аямаган қаҳрамонларимизни доимо эъзозлашингиз лозим.

Тарихи йўқ халқнинг келажаги йўқ деганларидек, ўз миллати қаҳрамонларини табаррук билмаган одам ҳам шу халқнинг комил инсони саналмайди. Шукроналар бўлсинки, дунёга донги кетган қаҳрамонларимиз кўп. Уларнинг матонати ҳақида тарих зарварағида зарҳал ҳарфлар билан битиб қўйилган. Аммо қачонки бу юртни босқинчилар эгалласа, аввало, қаҳрамонларимиз номини таъкидлаб, ишларини ёмонотлиқ қилиб, ўз ёлғонлари билан халқни зулматда сақлашга уринишган. Бунга биз катталар қисман бўлса-да гувоҳ — шўро тузумидаги тарихимизга ёт муносабат очиқ мисол бўла олади.

Тангрининг иродаси ва қолаверса ўша қаҳрамонларимиз қолдирган буюк ибрат боис яна миллатимиз ўз озодлигига эга бўлди. Уни ҳамма нарсадан азиз билишда тарих келажакка сабоқ берса, қаҳрамонлар ёди Ватанни чинакам севишга, уни кўз қорачиғидек асрашда кўнгилга енгилмас руҳ беради.

Қаҳрамонлар сиймоси, улар қилган жасоратлар ҳар лаҳза кўз олдимизда турсагина миллат ва давлат сифатида жаҳонда бир пайтлардагидек ўз ўрнимизга кўтарилишимиз шубҳасиз. Ўша қутлуғ кунларнинг гувоҳи бўлишни тилаб, рўзномада «Ҳалқимиз қаҳрамонлари» рукнини очяпмиз. Бу рукн остида биз имкон қадар қаҳрамонларимиз ҳақида мухтасар, янги, чин маълумотлар бериб бормоқчимиз. Бундай мақолаларни беэътибор қолдирмассиз, балки қизиқиб ўқиб, ўз муносабатингизни билдирасиз, деган умиддамиз. Бу рукн остида кимлар ҳақида чуқурроқ маълумот берилишини истайсизлар: «Тонг юлдузи»га ёзиб юборинглар. Хатларингиз, албатта инобатга олинади.

Шундай қаҳрамонларимиздан бири, қарийб икки ярим минг йилдан буён тилларда достон бўлиб келаётган аждодларимиз — массагетлар маликаси Тўмарис ҳақида сиз мактабда ҳам ўқигансиз, атоқли адиб, тарихимизнинг зукко, заҳматкаш билимдони Миркарим Осим асари орқали ҳам яхши биласиз. Биз эса тарихий манбаларга ўзича ёндошган, сизга яхши таниш — Хуршид Давроннинг «Массагетлар маликаси ва форслар подшоҳ бадиаси» маълумотлари асосида қуйидаги фикримиз билан ўртоқлашмоқчимиз. Ишончимиз комилки, у сизнинг мард момомиз Тўмарис ҳақидаги билганларингизни янада тўлдиради.

В. БАРНО ўғли.

Милоддан олдинги 530—529 йиллар...

Бу пайтга келиб жуда кўп мамлакатларни ҳийла-найранг, қурол кучи билан босиб олган Медия ва форс шоҳи Куруш аввалига массагетлар ерини ҳам ҳийла-найранг билан ўзига бўйсундирмоқчи бўлиб кўп совға-саломлар билан элчилар жўнатади ва малика Тўмарисни ўзига хотинликка сўрайди. Жасур ва ақлли малика Курушнинг асл ниятини пайқаб, рад жавобини беради ва совға-саломларга қўл тегизмай қайтаради.



Бу билан ниятига етолмаган Куруш тез орада улкан қўшин билан Амударё бўйига келиб, ундан ўтиш тадоригини бошлайди. У жуда кўп сол ва қайиқлар ясатиб, уларни бир сафга тизади, устидан кўприк солиб, дарёдан ўтмоқчи эди.

Бу иш билан андармон бўлиб юрганда унинг олдига Тўмариснинг элчилари келиб Курушга қуйидаги хатни топширадилар.

«Эй Медия ва форс ҳукмдори. Сен яхшиси бу урушмоқ ниятингдан қайтиб, ўз мамлакатингни шод-хуррам бошқар. Бизнинг юртимизни ҳам тинч қўй. Бўлмаса тахтинг ҳам мана шу солаётган кўпригингдай омонат бўлиб қолиши мумкин.

Гапимга қулоқ солмаслигингни биламан. Ниятинг уруш қилмоқ эканлиги кўриниб турибди. Шундай экан яхшиси кўприк қуриб овора бўлиб юрма, биз сенга дарёдан эмин-эркин ўтиб олишингга имкон бериб, соҳилдан уч кунлик масофага кетиб турамиз ёки бизга дарёдан ўтиб олишга имкон бер-да, дарёдан уч кунлик узоқликдаги жойда бизни кут» дейилганди мактубда.

Куруш аввало массагетлар маликасининг тантилигига қойил қолади ва кенгаш чақиради. Кенгашда у бу хатдаги таклифни яқин аёнларига маълум қилиб, «икки таклифданқайси бирини танласак яхши», деб улардан маслаҳат сўрайди.

Асосий маслаҳатчилари ўзимиз яхши биладиган, ўзимизга қарашли жойда урушиш осон, дарё ортида ким билади бизни нималар кутаяпти», дейишди. Фақат айёрлиги билан Курушнинг ишончини қозонган Крез бу маслаҳатга қарши чиқади. унинг таклифича, ўтмай чекиниш Курушдай жаҳоншоҳнинг обрўйига тўғри келмаслиги, бундан ҳам ёмони ҳамиша ҳам омад кулавермайди, форс қўшини мабодо ўз ерида енгилиб қолса, массагетлар салтанатини тортиб олмагунча қўйишмаслигини айтади.

(Давоми 3-бетда).

# ОЁҒИ ОСТИДАДИР



## НЕЧУН АРДОҚЛАЙМАН?..

Одатдагидан барвақтроқ уйга қайтган Боғдагул опа қизи Умиданинг ҳовли юзасида кўринмаганлигидан безовталанди. Аввал уйни, кейин ошхонани кўздан кечирди. Шу пайт меҳмонхонанинг қия очиқ эшигидан гунгур-гунгур товушларни эшитиб қолди.

— Сиз болаларга овқат пиширасиз Жамилахон, катталарга эмас, — бурро-бурро гапирарди қизи. — У шундай мазали бўлиши керакки, бола ўз уйида овқат емаса ҳам бу ерда иштаҳаси очилиб кетсин.

— Сиз, Сайёрахон, тарбиячисиз, болалар «боғча опамиз» дея сизга талпинсин, «боғчангизга бормайман» дея ғашлик қилишмасин.

— Боғдагул Қобуловна, хотиржам бўлинг, айтганингиздек бўлади, — Умиданинг гапларига жавобан чугурлашди қўғирчоқ кўтариб олган қизчалар.

Бу ҳолни жимгина кузатаётган Боғдагул опанинг чарчоқ чеҳрасига табассум ёйилди. «Ойижон, боғча-боғча ўйнаётгандик, мен сиз бўлдим, булар опалар» дея югуриб ёнига келган қизчасига сир бой бермади-да, унинг икки юзидан ўпди.

Юқоридаги воқеа Боғдагул опанинг чарчоқларини аллақачон тарқатиб юборган, мурғак қизчасининг билиб-билмай такрорлаётган ўйинида ўзидаги болаларга меҳр, тарбиячиларга талабчанликни кўриб ҳам енгил тортган, ҳам ҳайрон бўлганди. «Болалар жуда тақлидчи, сезгир бўлади-да, мени булар қаерда кўриб, кузатишган экан. Ёки катталардан бирортаси гапирганмикан?» — ўйга толганди у.

...Ўшанда Боғдагул ҳам кичкина қизалоқ эди. «фалончи боғчага ошпаз бўлиб кириб олиб, уйига ташмалайдиган бўлди», «пистончи боғчада тарбиячи, болаларни уриб ухлатиб, бир ерга тўпланиб, кечгача гап сотишар экан, мен ҳам кириб олсамми», «фалончининг боласи боғчада йиқилиб боши ёрилибди, тарбиячилар қарамагандан кейин... шу-да» деган гап-сўзларни кўп эшитарди.

— Билмадим, нега менинг қулоқларим фақат ана шунақа гапларни хўплаб оларди, — кулиб хотирлайди Боғдагул опа. — Яхши гапларга эътибор бермасам керак-да... Шунинг учун ҳам атайлаб, юқоридаги гапларнинг нотўғри эканлигини исботлаш учун тарбиячиликка ўқидим.

***

...— Ойижон, мен тарбиячи бўлиб ишга кираяпман, — деди институтни янги битирган Боғдагул онаси Нурлибаён опага.

— Болам, яна ўзинг биласану, бу ишнинг ҳар хил гап-сўзлари кўп бўлади.

— Хотиржам бўлинг она, яхши ишлайман...

1970 йилда Боғдагул Қобулова виждонан ишлагани, ўзига талабчанлиги, болаларга меҳри туфайли Тошкент вилояти «Хўжақўрғон» қишлоғидаги «Нилуфар» болалар боғчасига мудира этиб тайинланди. Ўша вақтда 3 группада, 75 бола тарбияланган бўлса, ҳозир группалар сони 5 тага, тарбияланувчилар сони эса 140 га етказилди. Қўшимча дам олиш, ўйин, музика хоналари қурилди, болаларнинг қизиқишларини, онгини ўстириш, дунёқарашларини кенгайтириш учун янги жиҳозлар, ўйинчоқлар келтирилди. Энг муҳими, бу боғчага келаётган ҳар бир бола сидқидилдан қувониш билан қатнайди, боғча опаларига соғиниб интилади.

— Болаларни, айниқса ўғил болаларни ҳозирданоқ чапдастлик, пишиқ-пухталикка ўргатинглар, дейди Боғдагул опа, — ҳикоя қилади тарбиячилардан бири. — Группамдаги бир бола ўзининг ўта бўшанглиги билан «қийнаб» юборди. Бу ҳақда суҳбатларимиздан бирида мудирамизга айтдим. «Вой ўзимнинг шириним, катта бўлса, Алпомишдай паҳлавон бўлади бу болам» эркалади Боғдагул опа тугмачасини тақа олмай турган болага ва ўзи унга ёрдамлашди.

Мен ҳам у кишининг ҳаракати ва сўзларини кунда, кун ора қайтарадиган бўлдим. Ишонсангиз, боланинг табиатида кескин ўзгариш содир бўлди.

Хотин-қизлар байрами баҳонаси билан биз Боғдагул Қобулова ҳақида қисқача ҳикоя қилдик. Биз ўз касбини, Ўзбекистонни болалари каби ардоқлаётган онахонимизни баҳор байрами билан қутлаб, умрибоқийлик, саломатлик, ишларида ривож тилаймиз.

С. Турсунова.

## ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ...

Бошни фидо айла ато қошига,
Жисмни қил садқа ано бошига.

А. НАВОИЙ.

Биз ҳамиша қарздор бўлган энг улуғ зот онадир.

Н. ОСТРОВСКИЙ.

Она — заминдаги ягона худодир.

Э. ЛЕГУВЕ.

Мурғак болалар тили ва дилидаги худо — она.

У. ТЕККЕРЕЙ.

Она муҳаббатидан муқаддасроқ ва беғаразроқ ҳеч нарса йўқ: ҳар қандай меҳр-муҳаббат, ҳар қандай эҳтирос ҳам унга нисбатан ё ожиз, ё ғаразлидир.

В. Г. БЕЛИНСКИЙ.

Она қалби битмас-туганмас мўъжизалар манбаидир.

П. БЕРАНЖЕ.

Жаҳоннинг бутун ғурури оналардан. Қуёшсиз гуллар очилмайди, севгисиз бахт йўқ, онасиз шоир ҳам, қаҳрамон ҳам бўлмайди... Меҳри чексиз, бутун дунёни кўкраги билан боққан аёлни — Онани шарафлайлик!

М. ГОРЬКИЙ.

## БИР ЙИЛДА ИККИ СИНФНИ...

Мукамбар опа Пўлатова болаларнинг математика дафтарларини кўздан кечирар экан, қувончдан чеҳраси ёришиб кетди: «Боласи тушмагурларей, катта одамни кичик қилиб қўйганга ўхшайди-я» фахр билан шивирлади унинг лаблари.

Устознинг қувонганича бор эди. Кеча ўқувчиларига математикадан мустақил оддий бир масала тузиб келишни топширганди. Шогирдларининг баридан муаллимнинг кўнгли тўлди. Бироқ икки-уч нафар бола вазифани шундай бажаргандики, уни ечишда ҳатто юқори синф ўқувчилари ҳам ўйлаб қоладиган даражада эди.

Бунинг боиси бор. Мукамбар опа билим бераётган Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманидаги 243-мактабда ўтган йили 1-лицей синфи ташкил этилган бўлиб, ушбу синфга жамланган иқтидорли болалар ярим йилда бир йиллик дастурни аъло даражада ўзлаштиришди. Улар янги йилдан 2-синф дастури бўйича ўқитилаяпти.

— Болалар фақаттина математикадангина эмас, ўқиш, табиат ва бошқа фанларни ўзлаштиришда ҳам ўз қобилиятларини кўрсата олаяптилар, — дейди М. Пўлатова. — Бу жажжилардан келгусида улуғ Ўзбекистонимиз шон-шавкатини оламга таратувчи ўғил-қизлар етишиб чиқишига ишончим комил.

Ф. ОДИЛОВА.

Суратда: Мукамбар опа Пўлатова ўз ўқувчилари билан.



(Давоми 2-бетдан бошланган).

У Крезнинг гапига кириб, Тўмариснинг биринчи таклифига розилигини элчиларга билдиради. Кўп ўтмай айғоқчилари ҳам массагетлар ичкарига чекинганлигини тасдиқлайдилар.

Куруш қўшини дарёдан қийинчиликсиз ўтиб, бир кунлик жойда тўхташади. Ва Крез айтганидек қилиб, кўплаб жонлиқлар сўйиб, юзлаб мешларда шароблар келтириб, зиёфат дастурхонини тузайдилар. Тайёр бўлгач бир қисм қўшинини гўё қўриқчидай қолдириб, ўзлари яна Амударё томонга чекинадилар.

Кўп ўтмай бу ерда қолганлар Курушнинг асл ниятини билмасдан қўшин узоқлашиши билан базми-жамшидни бошлаб юборадилар. Айни бу зиёфат қизиганда массагетларнинг илғор қисмлари уларга қўққисдан зарба берадилар. Озгинаси отларга миниб қочишга улгурадилар. Аммо массагетлар ҳам уларнинг ортидан таъқиб этишмай, зиёфат дастурхонига ўзларини урадилар. Натижада умрида ҳеч шароб ичиб кўрмаган массагетлар тез орада форслардан ҳам баттар аҳволга тушишади. Қуёш ботмасдан ўша ерда донг қотиб ухлаб қолишади.

Бу хабар Курушга етган заҳотиёқ тезликда етиб келади ва массагетларни ўраб олади. Уйғониб, вазиятга ақли етган массагет йигитлари қўрқмасдан жангга отланадилар, бироқ улар жанг қилиш аҳволида эмасдилар. Шу боис кўпчилиги қирилиб кетади, озгина тирик қолганлари лашкарбоши, Тўмариснинг ўғли ярадор Сипарганис ҳам асирга тушиб қолади.

Бундан хабар топган Тўмарис ғазаб билан ушбу мактубни элчилари орқали форс қўшини турган қароргоҳга жўнатади: «Эй ёвуз Куруш, сен ҳақиқий жангда эмас, мард кишига муносиб бўлмаган, ҳар қандай одамни ёмон аҳволга соладиган шароб кучи билан алдаб массагетларнинг бир қисми устидан ғолиб чиқдинг. Яхшиси шу ғалабанг билан шод бўлиб, ўз юртингга жўнаб қол ва менинг ўғлимни асирликдан бўшатиб юбор. Бўлмаса массагетлар тангриси Қуёш номи билан қасам ичаманки,мен сен қонхўрга ўз аскарларинг қонини ичираман».

Айёрлик билан эришган ғалабадан маст, ўзида йўқ Куруш даштлик бу хотиннинг дағдағасини сариқ чақага ҳам олмайди. Элчининг қулоқ, бурнини кесдириб, юзига қора суркатиб ҳайдайди.

Бу орада эшик оғаси унинг олдига кириб Сипарганис қўлларини бўшатишни илтимос қилаётганини билдиради. У дарров рози бўлади.ва унинг олдига олиб келишларини буюради. аммо кўп ўтмай ташқарида қаттиқ-қаттиқ товушлар кучаяди. У бундан қўрқиб кетиб, балки асир ўғлини қутқариш учун Тўмариснинг ўзи қароргоҳимга ҳужум қилмадимикин, деб ўйлайди. Ташқарида эса қўли бўшатилган Сипарганис бир соқчининг ханжарини тортиб олиб ўз жонига қасд қилганди. Куруш ўша лапашанг жангчисини ҳам ўлим билан жазолаб, энди ўзига қийин бўлишини тушунди: «Аввал Тўмарис тутқундаги ўғлини ўйлаб, уни ҳар дақиқада ўлдиришимдан юрак-бағри куйиб яхши урушолмасди, урушганда ҳам фақат ўшани қутқазиш умидида бўларди. Энди эса у ярадор шердан ҳам хатарли, ўч олиш учун ўлимдан ҳам қайтмайди».

Ҳақиқатан ҳам кўп ўтмай у турган жойга Тўмарис қўшини шитоб билан яқинлашаётгани маълум бўлди. Форслар ҳам жангга тайёргарлик кўришади. Бепоён даштни ноғоралар овози тутиб кетади. Олдин камондан ўқ узишлар бошланади. Массагетлар бунда шунчалик уста эдиларки, ҳатто етти ёшли боласи ҳам от устида ўтириб, учиб кетаётган чумчуқни камон билан ура оларди. Ҳозир ҳам улар отган камон ўқларидан форслар қўшинининг бошида булут тўплангандай бўлиб қорайиб кетганди. Форслар камон отишда массагетларга тенг келаолмас эдилар. Шу боис қиличбозлар жангга киради. Буни кутган массагетлар ҳам ёпирилиб келадилар. Узоқ ва қақшатич жанг бўлади. Бироқ массагетлар вақт ўтган сари ўлимдан қўрқмай аёвсиз курашаверадилар. Уларнинг орасида хотин-қизлар ҳам бўлиб, ортларида қолган ёш болалари, кексалари, қадрдон саҳролари турганлигини ҳис қилиб, матонат билан курашадилар.

Бундан аввалига форсларнинг дилларига титроқ тушади. Кейин қўллари ҳам қалтираб, массагетларни енгиш мумкин эмаслигини англаб, ўз бошларини омон сақлаш пайига тушадилар. Бироқ улар дарёдан соғ-омон ўтолмай, қиличдан ўтказилади. Жанг майдони билан дарёгача бўлган ораликда форс қўшини 200 минг жангчисини йўқотади. Бу жангда Курушнинг ўзи ҳам ҳалок бўлади. Эртаси куни тонгга яқин, ўликлар орасидан Курушнинг жасади излаб топилади. Тўмарис турган жойга отда судраб келтиришади. Икки кун олдин Сипарганис йигитларини ҳалокатга дучор қилган шароб мешларидан бири ўлган форс аскарларининг қонига тўлдирилган эди. Малика Тўмарис Курушнинг танидан жудо бўлган бошини мешга тиқар экан, алам ва ғазаб билан ҳайқиради: «Сен ёвузга ўз аскарларинг қонини ичирмоқчи эдим, мана мен сўзимнинг устидан чиқдим, ич, қонхўр, ич».



Ўтмишдан садо

## ҒАЗАЛ

*Эй ватандош, ҳамфикр, ҳамзикримиз, ҳамхоналар,*
*Бирга ўйнайлик, кулайлик, жўралар-дугоналар.*

*Пардани очинг, чиройингиз кўринсин эл аро,*
*Шаъми руҳсорингиза куйсин кўруб парвоналар.*

*Юртимизга раҳна солиб, кечалар бирдан кириб,*
*Роҳатимизни бузишга келмасун бегоналар.*

*Пок тупроқларни босиб, қидди ифлос ерларин,*
*Зоғ чанголидин ҳам мушкул эрур бедоналар.*

*Не гуноҳим борки, тожикман, тилимда турк сўзи,*
*Қипчоқу мўғул келиб, бошимга ургай фоналар.*

*Куйлангиз озодлик мазмунида, сиз, беибо,*
*Тингласун Тошканд, Ҳўқанд, Хўжанд ҳам Фарғоналар.*

*Соз олинг мутрибалар, Барно ғазални бошласун,*
*Мовароуннаҳр аро парвоз этиб тароналар.*

*ДИЛШОД—БАРНО.*

## УМР ЗИЙНАТИ

***Меҳрибон ва раҳмдил бўлмоқ умрнинг узоқ бўлишига ва ризқнинг баракали бўлишига сабаб бўлади.***

«Ахлоқи муҳсиний»дан

Қуёш билан баробар туринг

Мен ҳаётимда сира ҳам шошмаганман. Ҳаётдан кўз юмишга ҳам шошаётганим йўқ.

Мен оддий деҳқонман, тоғда ўсганман, шунинг учун ҳам қалбим ва кўп йиллик тажрибам буюрганини айтаман:

Менинг тушунчам бўйича, узоқ умр кўришнинг иккита манбаи бор. Биринчиси — бу, табиатнинг ўзи ҳадя этган соф тоғ ҳавоси, тоғ жилғаларининг мусаффо суви, биз овқатимизда истеъмол қиладиган она ер неъматлари, улуғвор табиатимизга хос бўлган осойишталик ва сокинлик, тоғларимизнинг юмшоқ ва илиқ иқлимидир.

Иккинчи манба — бизнинг ўзимизда. Ҳаётдан завқланадиган, бошқаларга ҳасад қилмайдиган, қалбида ёмонлик сақламайдиган, кўп қўшиқ айтиб, кам йиғлайдиган, қайғу ва шодликни кишилар билан бирга баҳам кўрадиган, қуёш билан бирга туриб, қуёш ботганда ухлайдиган, меҳнатни севадиган ва дам олишни биладиган кишилар узоқ яшайди. Дангаса ва баджаҳл киши узоқ умр кўрмайди, дейди халқимиз.

Мен ҳеч маҳал овқат танламаганман, лекин ҳаммадан кўра айронни, пишлоқни, мева ва сабзавотларни ёқтираман. Гўшт ейман-у, лекин озроқ. Фақат булоқ сувидан ичаман, баъзан чой ичаман. Дастурхонга ҳеч маҳал очиқиб ўтирмаганман.

Замонамизнинг энг кекса кишиси Шерали МУСЛИМОВ.

## БОЛАЛАР КУЛСАЛАР, ДУНЁ КУЛАДИ

Иноят опа Абдусоатова жуда узоқ йиллардан буён Ўзбекистон телевидениесида ишлаб келадилар. Санъат ва шеърият оламига энди-энди дадил одимлар билан кириб келаётган жуда кўплаб умидли ёшларимизни республикага танитадиган, уларга келгуси ижодларида маълум маънода оқ йўл тилайдиган кўплаб кўрсатувлар ижодкори бўлмиш Иноят опанинг ўзларини кўпчилик танимаслиги мумкин. Байрам бир баҳона, ана шу заҳматкаш ва камтарин инсон билан дилдан суҳбатлашдик:

— Иноят опа, аввалambор касбингиз ҳақида суҳбатлашсак. Ҳам аёл, она, ҳам телевидение журналисти бўлиш қийин эмасми?

— Агар инсонда иштиёқ бўлса, касбига нисбатан муҳаббати бўлса ҳеч қийинчилиги йўқ. Оналик эса — бу буюк бахт! Унинг лаззатини ҳеч бир нарса билан қиёслаб бўлмайди. Телевидениеда ишлай бошлаганимга ҳам 30 йилдан ошди. Бошқа соҳада ишлашни тасаввур ҳам қилолмайман.

— Инсоннинг болаликдаги беғубор ва беташвиш онлари ҳаётининг энг тотли хотираларига айланиб қолади. Келинг, жамалак соч қизалоқлик йилларингизни бир хотирлайлик. Болалик орзуларингиз, уларнинг ижобати хусусида ҳам гапириб беринг.

— Болаликданоқ адабиётга, айниқса, чет эл адабиётига иштиёқим баланд бўлган. Онамнинг каттагина кутубхоналари буларди. Ў ердаги китобларнинг деярли ҳаммасини ўқиб чиққанман. Шеър ўқиш, ёд олиш жони-дилим эди. Лекин, шифокор бўлишни, оппоқ халат кийиб, беморлар дардига малҳам бўлишни орзу қилардим. Бу соҳадан кетишимга... Келинг , яхшиси бир бошдан гапириб бера қолай.

...Ёдимда бор, мактабда ўқишларим яхши, жамоат ишларида фаол эдим. Дружинага раислик қилардим. Турли тадбирларда, тантанали йиғилишларда шеърлар ўқиб юрардим.

Бир куни мактабимизга радиода журналист бўлиб ишлайдиган Баҳодир ака Абдуллаев деган одам келдилар. Мени ёнларига чақириб, «овозинг яхши экан, шеърларни ҳам ифодали ўқир экансан. Эртага радиога боргин, хўпми» деб тайинладилар. Эртаси куни онам қўлимдан етаклаб радиога олиб бордилар. Ўша пайтларда болалар ва ўсмирлар учун «Пионер эрталиги» эшиттириши тайёрланар эди. Мен ана шу эшиттиришда қатнаша бошладим. Кейинчалик, 1958 йилларда телевидениеда «Қизил галстук» номли кўрсатув тайёрланар эди. Дилфуза Ғуломова, Маъмура Азимжонова ва мени ана шу кўрсатувга таклиф қилишди. Шундай қилиб, телевидениеда кичик муҳаррирлик вазифасида ишлай бошладим. Шу-шу телевидение билан хайрлашганим йўқ. 1962 йилда махсус йўлланма билан Тошкент давлат университетининг журналистика бўлимига ўқишга кирдим. 20 йилдан зиёд болалар ва ўсмирлар муҳарририятида ишладим. «Бойчечак», «Юлдузча», «Тенгдошлар», «Орзу», «Камалак» сингари жуда кўплаб болаларбоп кўрсатувлар тайёрлар эдик. Ҳозирда эса «Ёшлик» таҳририятида бўлимга мудирлик қиляпман. «Ғазалхон ёшлигим», «Мактубларингизни ўқиб», «Яхшиларга эргашиб», «Тафаккур», «Мўъжизалар оламида», «Зиё», «Умид» каби ёшлар ҳаётига оид қатор телекўрсатувлар тайёрлаб келмоқдамиз. Уларнинг нечоғлик қизиқарли чиқаётганлиги, ёшлар қалбига йўл топа олиш, олмаслиги томошабинлар ҳукмига ҳавола.

— Иноят опа, телекўрсатувлар тайёрлаш жараёни билан озми-кўпми хабардор бўлганимдан, бу касбнинг ўзига яраша мураккаб ва машаққатли томонлари ҳам борлигини яхши биламан. Ҳаётингизда шу касбни танлаганингиздан афсусланган, барига қўл силтаб кетгингиз келган онларингиз ҳам бўлганми? Қолаверса, оила аъзоларингиз касбингизга қандай қарашади?

— Тўғри айтдингиз, ТВ журналисти бўлиш осон касб эмас. Айниқса, аёл киши учун. Турмуш ўртоғим билан бир соҳада ишлаймиз. Касбимиз машаққатларини ҳам, гаштини ҳам биргаликда баҳам кўрамиз. Байрам кунларида ишларимиз кўпайгандан-кўпайиб кетади. Барвақт келиб, кеч қайтамиз. Айрим кунлари уйга ҳам бормай қоламиз. Бизлар учун бундай шарт-шароит яратиб бераётган қайнонамдан беҳад миннатдорман. Улар туфайлигина ўз севган касбимни узоқ йиллардан бери ардоқлаб келяпман.

— Оилангиз ҳақида ҳам гапириб беринг. Фарзандларингиз ҳам ота-она изидан боришини хоҳлармидингиз?

— 5 ўғил, бир қизим бор, 6 нафар набирага бувиман. Касбимга келсам, тўнғич ўғлим касбимизни давом эттиряпти. Қолганлари турли соҳаларда меҳнат қилишади.

— Агар қайта умр берилса, танлаш имкони бўлса, қандай яшаган бўлардингиз? Ҳар ҳолда ёшлигингизда шифокор бўлишни орзу қилган экансиз?

— Худди шундай яшаган бўлардим. Чунки касбимни жуда севаман. Шифокорлик масаласига келсак, куллиётимиз қошида очилган 3 ойлик ҳамширалик курсини тамомлаганман. Оз бўлса-да бу касбга ҳам қўлим келишади. Бир аёл, она учун шунинг ўзи етарли, деб ўйлайман.

— Хабарингиз бор, «Тонг юлдузи» республикамиз болаларининг газетаси ҳисобланади. Унинг муштарийларига, яъни болаларга қандай тилакларингиз бор?

— Болаларни жуда севаман. Уларга биринчи галда саломатлик тилайман. Уларнинг соғлиги эртанги наслимизнинг баркамоллигидир. Қолаверса, фарзандларимизнинг дунёвий билимлар билимдони бўлишларини истайман. Бунинг учун эса улар жуда кўп ўқишлари, бўш вақтларини видеосалонларда эмас, кутубхоналарда, турли касб тўгаракларида ўтказишлари лозим, деб ўйлайман.

— Самимий суҳбатингиз, эзгу ниятларингиз учун катта раҳмат. Сиз ҳам сиҳат-саломат бўлиб, яна кўп йиллар халқимиз хизматига камарбаста бўлиб юришингизни тилаб қоламиз.

Иноят опа телевидениеда ишласалар-да, зангори экран орқали кўринмайдилар. Шунинг учун ҳам уларнинг суратларини эълон қилмоқчи бўлдик, аммо... сурат ўрнига қуйидаги гапларни ёзиб бердилар: *Болажонларимиз доимо кулиб юришсин. Улар кулсалар, дунё кулади.*

Феруза ЖАЛИЛОВА суҳбатлашди.

## ҲАЁТ ЧАШМАСИ

*Йироқни кўради онанинг кўзи,*
*Ўликка жон берар бир оғиз сўзи.*
*Оналар бор экан насиба бутун,*
*Оналар бор-чиқар ўчоқдан тутун.*
*Кўтарсанг арзигай онани бошга,*
*Ёмон фарзанд боши тегади тошга.*
*Она билан обод ҳаёт бўстони,*
*Тиллардан тушмагай улар достони.*
*Чўктирманг ҳеч бевақт она дилини,*
*Суянчиғи бўлинг, букманг белини.*

## РАССОМ ХАНДАСИ






А. Каримов.

## ИБН СИНО БИСОТИДАН

Кўпинча қуёш сафардагиларнинг мияларига зарар қилади, шунинг учун улар бошларини қуёшдан яхши бекитишга ҳаракат қилишлари керак.

Иссиқдаги сафардан зарарланганларнинг кўпи совуқ сувда сузиш ва чўмилиш билан ўз ҳолига қайтади. Лекин совуқ сувда чўмилишга шошилмаслиги, балки озгина сабр қилиб, кейин аста-секин чўмилмоғи керак.

Кийим-кечаклар оёқ ва қўл қимирламайдиган даражада тор бўлиши тўғри эмас, чунки органнинг қимирлаб туриши — ундан совуқни қайтарувчи сабабларнинг биридир.

Тери атрофидаги намликни кўпроқ қуритадиган қумлар денгиз қумларидир. Баъзан у иссиқ бўлса, унда ўтирадилар, баъзан ўзларини унга кўмадилар.

Кўз яллиғланишида ёстиқни баланд қилиш ва бошни қуйига энгаштиришдан сақланиш зарур тадбирлардан ҳисобланади.

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚЎМИТАСИ.

Бош муҳаррир :
Умида АБДУАЗИМОВА
Таҳрир ҳайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ, Дилмон ЁҚУБОВ, Сафар БАРНОЕВ, Феруза ЖАЛИЛОВА, Сайриддин ХОЛОВ (масъул котиб)

Газета ҳафтанинг сешанба куни чиқади.
Газета 1929 йил, 1 августдан «Ленин учқуни» номи билан чиқа бошлаган.
Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефон: 33-44-25

*IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди.*
*Ҳажми — 1 босма табоқ*
*Буюртма — Г-0065.*
*11.000 нусхада босилди.*
*Қоғоз бичими — А-3.*
*Босишга топшириш вақти 19.00*
*Топширилди — 18.30*

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

1 2 3 4 5 6